

КЕКСАЛИК ЁШИ ДАВРИДА НАФАС ОЛИШ ТИЗИМИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Бўриева Дилноза Бахриддиновна

Термиз иқтисодийёт ва сервис унверситуту

Тиббиёт фанлар кафедраси ассистенти

Муаммонинг долзарблиги: Сўнгги йилларда Covid-19 касаллиги дунё аҳолиси учун жиддий муаммога айланди. Коронавирус инфекцияси потенциал оғир ўткир респиратор инфекция ҳисобланади. Маҳаллий ва хорижий манбаларга кўра, Covid-19 билан касалланган беморларнинг тахминан 19 % ҳали ҳам нафас олиш муаммоларидан азият чекаётган бўлса, 80% дан ортиғи узоқ вақт давомида умумий қон томир тизимлари деворлари ички қатламининг қалинлашиши кузатилган [1].

Бугунги кунга қадар сурункали обструктив ўпка касаллиги (ОЎК) ва юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТ), хусусан, гипертония (ГБ) каби кенг тарқалган касаллик алоҳида нозологик гуруҳ сифатида яхши ўрганилган [2].

Бугунги кунда болалар ўлими даражаси 1000 та тирик туғилган болаларда 15,6% тўғри келишига қарамасдан болалар туғилиши кўрсаткичи жуда паст, яни 9,1% ташкил қилмоқда [3-5].

Шу билан бирга, ўпка касалликларини ташхислашда спирометрия текширувлари асосида баҳолаш (ЎТС-ўпканинг тириклик сиғими, FEV1-ўпканинг 1 сониялардаги мажбурий нафас чиқариш ҳажми) муҳим ўрин тутди [4].

Тадқиқот мақсади: Сурхондарё вилояти кесимида кексалик ёшидаги инсонларнинг респиратор тизими ҳолатини баҳолаш.

Тадқиқот натижа ва усуллари: Тадқиқот иши Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри ва Шеробод, Ангор, Шурчи, Денов, Узун туманидаги маҳалаларда олиб борилган бўлиб, жами 300 нафар 61-75 ёш орасидаги кекса эркак ва аёллар ўртасида қамраб олинган.

Тадқиқот давомида қуйидаги усуллардан фойдаланилди: Соматометрия, инструментал (спирометр (BTL 08 Spiro Pro)) усуллардан фойдаланган ҳолда тадқиқот ишини олиб борилди.

Тадқиқот ишида 61-75 ёш орасидаги эркак ва аёллар ўртасида олиб борилди. Covid-19 билан касалланган ёки мулоқотда бўлган кексаларнинг саломатлик ҳолати, жисмоний ривожланганлик даражаси ва касалликдан кейинги асоратларинг мавжудлигини аниқлаш, ҳамда тиббий нуқтаи назардан тахминий ташхислаш учун спирометр (BTL 08 Spiro Pro) аппарати ёрдамида текширув ишлари ўтказилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики нафас олиш тизими ҳолатининг 70-75 ёшгача бўлган қариялар ўртасида “деструктив бўзилиш” ташхиси билан касалланган кексалар 2/3 қисми ташкил этган. “обструктив бўзилишлар” ташхиси эса 61 ёшдан 70 ёшгача бўлган кексалар ўртасида кузатилган бўлиб, умумий текширилган болаларнинг 1/3 қисмини ташкил этди. Ушбу ташхисли қарияларда чарчаш, тез терлаш, холсизлик, сувсизланиш, пульсни тезлашиши, хансираш, нафас сиқиши, жисмоний фаолликни камайиши каби шикоятлар кузатилган.

Хулоса: Тадқиқотдан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бундай қарияларга нафас олиш тизимини яхшилашга ёрдам берувчи спорт тури билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзига риоя қилишлари тавсия этилади.

Фойданилган адабиётлар

1. Ванюшин Ю.С., Хайруллин Р.Р. Кардиореспираторная система как индикатор функционального состояния организма спортсменов // ТипФК 2015. №7. С. 11-14.
2. Василькова, Т.Н. Кардиореспираторные нарушения, цитокиновый дисбаланс и когнитив-ная дисфункция при ХОБЛ в сочетании с гипертонической болезнью на фоне ожирения / Т. Н. Василькова, Ю. А. Рыбина, В.В. Колпаков // Врач. – 2018. – Т.29, №4. – С. 3-8
3. Султонов.Р.К, Содикова.З.Ш, Бобоёров.С.У. Dynamics of fat cells of the bronchial tree mucosa in postnatal ontogenesis. // Central Asian Journal of Medical and Natural Science (CAJMNS) –Toshkent. Volume 2 № 4, 2021. С. 182-184.
4. Назиров. Ф. Ф. Гадаев. А. Г. “Умумий амалиёт ваҷри учун қўлланма” – М.: ГЭОТАР – Медиа, 2006.
5. Sultonov, Ravshan Komiljonovich, Zumrat Shavkatovna Sodiqova, and Boboyorov Sardor Uchqun o'g'li. "Dynamics of Fat Cells of the Bronchial Tree Mucosa in Postnatal Ontogenesis." Central Asian Journal of Medical and Natural Science 2.4 (2021): 182-184.